

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Газета 1929 йил, 1 августдан чиқа бошлаган

№ 45 (66020)
1997 йил, 14 июнь, шанба

Сотувда эркин
нархда

Мен Қашқадарёнинг Жарқургон қишлоғида яшайман. Қишлоғимни жуда яхши кураман. Менинг меҳрибон бобоим ҳар суҳбатларида «юрт қадрини мусофирдан сура», — дейдилар. Бир куни бу нима деганингиз деб бобомдан сурадим. Шунда бобом бир воқеани сўзлаб бердилар. Келинг, яхшиси сизга ҳам бу ҳикояни айтиб бера қолай.

Бобомнинг айтишларича, уларнинг бир қариндоши қонли қатагон даврларида хорижга кетиб қолган экан. Орадан анча йиллар утиб, уша қариндошлари қишлоғимизга қайтиб келибди. Ва бобомга чунтагидан бир халтача чиқариб курсатибди. Унда бир си-

ЮРТ ҚАДРИ

қим тупроқ бор экан. Шунда қариндошларига: «Мен ватанимдан, элимдан шу бир сиқим тупроқ билан чиқиб кетганман. Менинг эллик йиллик изтиробларим, куз ёшларим ва чеккан мислсиз азобуқубатларимнинг ҳаммасига мана шу халтача ва унинг ичидаги муқаддас тупроқ гувоҳ. Бу мени олис ҳижрон йилларида барча балолардан асради. Хорижда менга ватанимнинг ҳидини, меҳрини, болалигим соғинчларини эслатди. Мен ҳеч кимга ҳам қандай шароитда ҳам ватандан кетиш азобини раво қурмас эдим. Мен мусофирликда юрт қадри жон билан туташ эканлигини англадим. Хайрият-ки, яна ватанимга қайтдим. Мен муқаддас она юрт дийдорини ҳеч нарсага алмаштирмайман. Яна Жарқургон сойларининг сувларини туйиб-туйиб ичдим. Қашқа воҳаси адирларида усган гиёҳлар ҳидини яна қайтадан туйиб бахти насиб этди. Бунинг учун яратганга беадад шукроналар айтаман, — дебдилар юзларида ёруғ табассум порлаб...

«Мана энди тушунгандирсан болам», — дедилар бобом.

Бу воқеани тинглаб адирлар билан ураган сулим қишлоғимизнинг ҳар бир қарич сри юрагимга янада яқинроқ ва азизроқ қуринди. Ич-ичимдан ўзим билмаган ҳолда севинчдан ҳапқириб кетдим. Чунки менинг озод ва хур ватаним бор. Бахтиёр болалигим бор. Мен бутун дунё бо-



лаларининг муқаддас ватанларини, ширин эртақларини ва маъсум болаликларини омон бўлишини истайман. Ҳамма уз ватанини муқаддас ва муътабар билиб, ҳар қарич срини, ҳар сиқим тупроғини тавоб қилиб яшашини хоҳлардим. Меҳрибон Узоқ бобом ҳар икки гапининг бирида «Ўзга юртининг шоҳи булгунча, уз юртининг гадоси бул», — деган ҳикматни кўп такрорлайдилар. Ҳақиқатдан ҳам, инсон авваламбор уз юртида, уз элида бахт топмоғи, қадр-қиммат топмоғи лозим.

Шуларни эслар эканман, гоҳ уйланиб қоламан. Мана биз шу муқаддас юртимизнинг, она тупроғимизнинг қадрига стаяпмизми?

Худди боболар сизингандек, сизиниб эъозлашамизми? Мен юқоридаги воқеа ҳаммангизга ибрат бўлишини, уқиб хулоса чиқаришингизни хоҳлардим.

**Қирғинлар қаъридан
чиққансан юртим,**

**Хур туғилган хурлик
истиқболига.**

**Кўр бўлар, хўр бўлар
ишонмаса ким,**

**Буюк келажакнинг
истиқболига.**

**Шерзодбек ЖўРАЕВ,
Қашқадарё вилояти,
Қамаши тумани,
Жарқургон қишлоғи.**

Шоира Турсуной Содиқова: СИЗЛАРДА ҲАЙРАТНИ КЎРГИМ КЕЛАДИ

— Турсуной она, сиз агар бола бўлиб қолсангиз ҳозирги катталар қандай бўлишини хоҳлаган бўлардингиз?

— Катталарнинг ҳамма ишени куриб-билиб турганимни ва қаламига улардан ҳафсалам пир булганини айтардим.

— Мактабга биринчи бор бурганингизда ўқитувчига қандай савол берган эдингиз?

— Саволим эсимда йўқ, аммо муаллимни муъжиза деб билардим. Биринчи ўқитувчим Мунаввар опа Юсупова эғнидаги куйлак гуллари, тикилишлари шундоққина эсимда қолган. Агар у кишининг куллари еки этаклари менга тегиб кетса, қарахот қотардимунурга белангандай туярдим узимни. Дарс давомида кузларимга кузи тушишини тиланиб утирардим. Ироқи дупшилар кийиб, сочларини иккита қилиб уриб олардилар, ҳазин, лекин ширадор гапирардилар... Бу муаллимама ҳаётлар, машҳур шоир Шукруллонинг рафиқалари. Худо умрларини зиёда қилсин!

— Ҳозирги болалик билан ўтмишдаги болалик ўртасида қандай фарқ бор?

— Ҳозирги болалар тупроқ йулларни билқиллатиб юрмайдилар. Эски лой томлар деярли қолмади, мазза қилиб томма-том варрак учиролмайдилар. Энг ачинарлиси, улар биз каби китобпараст эмаслар. Биз тийинлаб пул йиғиб китоб олардик. Уйимизга меҳмон келса, китобларимизни курсатиб мақтанардик.

— Фарзандларимизнинг жамият учун керакли инсон бўлиб етишиши кўпроқ нималарга боғлиқ?

— Ҳунарли бўлсинлар ва яна ҳунарли бўлсинлар.

— Болалар ва ўсмирлар билан бўладиган турли учрашувлар сизда қандай таассурот уйғотади?

— Бугунги болаларда ҳайрат йўқ. Оғзаки нутқлари чатоқ. Берадиган саволлари ҳам тағдоргина эмас.

— Тарбиянинг энг яхши усули нима?

— Болаларни зериктирмайдиган дарслар, болаларни мафтун этадиган муаллимлар, болаларни эзмайдиган дарслик-

Болаликка сафар

лар. Ва ТАРБИЯЛИЛИК! Отаналаргина ҳақиқий тарбия берди.

— Сиз набираларингиз ҳаётида болалик даврларингизни кўра оласизми?

— Болалигимда жуда бурро булган эканман. Набираларимнинг ичида уч ёшли Нозимахон шундай. Биз уни Булбул қиз, деймиз.

— Ҳозир кўпчилик бозор иқтисодини рўқач қилиб фарзандларини бозорларга чиқариб қўйишган. Бунга муносабатингиз қандай?

— Одам тугул, «бозор қурган эчкидан қурқ», дейдилар...

— Маънавиятнинг илдизи нима?

— Аллоҳнинг борлигини тан олинди.

— XXI аср болалигидан нима умид қиласиз?

— Келажак аср болалиги қандай бўлишини Аллоҳ билади. Аммо буюк Шарқнинг жами гузал фазилатлари фарзандларимизда уйғонсин деб, бизлар қилолмаган ишларни болаларимиз уйда қилсинлар деб тилаб қоламан.

— Суҳбатингиз учун ташаккур.

**Матлуба АЗАМАТОВА
суҳбатлашди.**



Болаликда

орзуларим мўл эди

Унинчи синфда ўқийман. Бир йилдан кейин кулимга стуклик аттестатини оламан. Ундан кейин-чи?...

Яхшиси ҳаммасини бошидан айтақолай. Мен, дадам ва онажоним жуда яхши яшардик. Ҳали унда мактабга бормас эдим. Дадам билан онам магазинда сотувчи бўлиб ишлашарди, ишдан бушади дегунча мен билан машгул бўлишарди. Маза қилиб дам олардик. Ёз пайтларини-ку ҳеч қуяверинг. Ишхоналаридан таътил олиб, чиройли жойларга, тоғларга, Арслонбоб шаршараларига бориб роса яйраб келардик. Улар менинг врач бўлишимни хошлашарди. Аммо хурсандчилигим узокқа чўзилмади...

Орадан чамаси бир йиллар утиб, дадам уйга тез-тез ичиб келиб, онамни калтаклайдиган одат чиқардилар. Тинимсиз бақир-чақир, қий-чув, туполон-жанжал, идишлар отилган, иргитилган, синган. Шу тариқа уйимиз олдинги осойишталигини, файзини бутунлай йўқота бошлади. Куп утмай дадам ичкиликка мукасидан кетди. Лекин ҳали бу ҳам ҳолва экан. Бир кун дадамнинг мажақланган жасадини уйга олиб келишганда бошимга осмон ағдарилгандек будди. Ушандан кейин ойим ҳам узғариб қолдилар. Ҳадеганда асабийлашадиган, жаҳллари қузийдиган, мени ҳам тинимсиз уришиб, ҳамма нарсага энсалари қотадиган будди. Онамда галати-галати одатлар пайдо бўла бошлади. Мени қўшимизникига ташлаб, икки кунлаб, уч кунлаб, баъзан эса ҳафталаб қасрларгадир кетиб қолардилар. Қўғирчоғимни кучоқлаб дугоналарим билан уйнамоқчи бўлиб кучага чиқсам, улар мендан қочадиган бўлишди. Кейин билсам тўйма-тўй изғиб юрадиган отарчиларга қўшилиб кетган эканлар. Шунинг учун ҳам уртоқларимнинг ота-оналари уларга мен билан уйнашни таъқиқлаб қўйишганди. Куп утмай менинг бор-йўқлигим ҳам онамни қизиқтирмай қўйди шекилли, ҳатто ойлаб уйга келмайдиган одат чиқардилар. Ҳамма уртоқларим биринчи сентябрь келишини орзиқиб кутадиغان кунлар

Саҳифамизга мактублар келиши давом этапти. Мурғак қалбингиздаги ғалаёнлар, ҳақиқатга ташналик, ёлгонга исён, ёмонликка бўлган нафрат туйғуларингиз йўғрилган хатларни олганда сизлар билан юрак-юракдан суҳбатлашгимиз келади. Яхшиси келинг, ҳаммамиз биргаликда бу хатларни ўқийлик-да, уларга ўз қалбимиздан жавоб излайлик.

нинг бирида (мен ҳам уша йили мактабга боришим керак эди) онам мени болалар уйига топшириб юбордилар. Ушандан буён шу ерданман.

Онам ҳар замонда мендан хабар олиб турадилар. Лекин мен уйимизни, болаликдаги орзуларимни, дадажонимни жуда соғинаман. Баъзан тунлари уйқум қочиб кетади. Эртанги кунни уйлайман. Назаримда одамлар менга қўларини бигиз қилиб отарчининг қизи, дейишадигандек бўлаверади. Аттестат олганимдан кейин, уша болаликдаги ягона орзуим булган шифокорлик касбини эгаллай олармиканман...

Ҳоҳида оқ халат кийган врачларга, ҳамшираларга кузим тушса ич-ичимдан эзилиб кетаман. Чунки мана шу оқ халат менга беғубор, бахтли болалигимни, меҳрибон

буласан. Сендан зур врач чиқади. Жамийки муваффақиятларнинг калити бу изланишдадир. Сен изланишдан чарчамагин, сингилжон. Бардам бул...

Зеро, ҳамма қийинчиликларни енгиб уз мақсади сари дадил интилган одам дунёдаги энг бахтли инсондир.

ХҲРЛИГИМ КЕЛАДИ

Биз қишлоқда яшаймиз. Дадам колхоз омборида қоровул бўлиб ишлайдилар. Яшашимиз ёмонмас. Лекин мени бир нарса жуда ёмон қийнайди. Мактабда ҳам, қишлоғимизда ҳам бизга қанақадир камситиш билан муомала қилишади. Бу нарса айниқса тўй-ҳашамларда кўпроқ билинади. Қишлоғимизда бир ёмон одат бор. Тўйга дастурхон безалганда, тўрдаги энг яхши,

оёғингни уриб синдираман», дедилар. Ҳайрон қолдим. Ниҳоятда мулойим, меҳрибон дадамдан ҳеч қачон бунақа гап кутмаганим. Қарасам жуда авзолари бузук, қовоқларидан қор ёғарди. Индамай уйга кириб кетдим. Сабабини онамдан сўрасам: Кеча даданг озгина ичган эканлар, шунинг учун билмасдан «катталар» учун белгиланган жойга ўтирибдилар, шунда дугонангнинг дадаси келиб, «Турунг, сиз нега бу ерда ўтирасиз, ахир бу раисларнинг жойи-ку», деб турғизиб юборибди. Даданг бечора кўпчилик ичидан изза бўлганларига чидаёлмабдан, ҳеч қачон Кўчқор амакинг билан гаплашмасликка оинт ичиб тўйхонадан чиқиб кетибдилар», дедилар қуюнбир. Кўнглим алланечук бир чўкиб кетди. «Нега одамлар бунақа-а, юз-хотир деган нарсани билишадими ўзи булар», — деб, ўйлайвериб, юрагим сиқилиб кетди. Мана бугун бозорга ям бир ўзим бордим. Ҳар кун ўша дугонам иккала миз томорқамиздаги помидор, бодринг, ўрик, олча, хуллас, мана шунақа майдачуйдаларни бозорга олиб чиқардик. Ҳар гал ўйнаб-қулиб бир-биримизга ҳазиллашиб, куннинг қандай тез ўтганини ҳам билмас эдик. Кечқурун яна ўша қувноқлик билан уйга қайтардик. Йўл бўйи шуларни ўйларканман, хўрлигим келиб кетди. Ахир одамнинг хурмати, иззати, эътибори эгалланган лавозимига қараб белгиланмайдими-ку?...

Наҳотки инсоннинг қадрқиммати унинг мансаби билан ўлчанса?!

Сожида, Тўрткўл.

Орамизда қалби кўр одамлар ҳам йўқ эмас. Лекин аслида инсонни ҳам, бутун дунёни ҳам гузал қиладиган нарса бу меҳнат ва одамларнинг бир-бирларига булган самимий муносабатлари.

Сингилжон, сен бу кенг дунёни уша бир тўда қалби кўр, назари паст одамлардан иборат деб билмагин.

Балки, ушандай паст кимсалардан балеандман, юксакдаман, деб яшайвергин. Бахт сенга ёр булсин!

Лицейда ўқигим келмайдими

Ўқитувчи бўлгим келарди. Шунинг учун тинимсиз китоб ўқирдим. Изланардим. Лекин айни шу кунларда ҳамма нарсадан кўнглим совиб кетган. Балки сабабини билгингиз келаетгандир. Ўзим хохламасам-да, дадам мажбурлаб ҳуқуқшунослик лицейига ўқишга киргизиб қўйдилар. Менинг эса бу лицейда мутлақо ўқигим йўқ. Бу ҳақда уларга айтганимда жаҳллари чиқиб кетди. «Ана Шодикўл амакинг ўқитувчи бўлиб нима каромат кўрсатди. Бир оёғи мактабда бўлса, иккинчиси бозорда. Мен ўртоқларим олдида катта кетиб, ўғлим

ҚУЛОҒИНИНГГА ГАПИМ БОР



дадажонимни, қачонлардир мени дунё деб билган онажонимни эслатади...

Моҳидил, Фиждувон.

Сингилгинам Моҳидил! Қуй, бунча тушкунликка тушмагин. Ахир бу ёруғ дунёнинг ҳаммаси армондан иборат эмас-ку. Сен келажакда ақлли, иродали ва уз аҳдида собит инсон бўлишинг керак. Чунки мана шу оилаларнингизнинг фожеаси сенинг қуз унгида бўлиб утди. Ишонамизки, сен ҳеч қачон бу хатоларни такрорламайсан. Ҳали сенинг бахтинг ҳам, гузал орзуларингнинг ушालиши ҳам ҳаммаси олдинда. Атрофга назар сол. Дунёда яхши, меҳрибон, самимий одамлар жуда кўп. Сен уларнинг меҳр тафтларидан ҳарорат олиб яшагин. Бор аламларингни ўқишдан, китобдан олгин. Мактабнинг қолган бир йилини тинимсиз ўқиш ва уз устингидан ишлаш билан утказиб, аъло баҳоларга тутаганг, албатта олий ўқув юртига кириб узинг орзу қилганингдек врач

чиройли, ноз-неъматларга тўла столни колхоз ва қишлоқ раҳбарлари, раислар, бригадирлар, хуллас, мансабдорларга ажратишади ва раҳбарлар қачон келишса, ҳоҳ базм бошида, ҳоҳ ўртасида, ҳоҳ охирида унинг фарқи йўқ, барибир улардан бошқа ҳеч ким ўтказилмайдими. Бу гўё одатий ҳолдек қабул қилинган. Кунларнинг бирида энг яқин дугонамнинг опаси уза тиладиган бўлиб қолди. Тўй кунини ҳаммамиз уларникига бордик. Мен севинчим ичимга сиғмай дугонамга қарашардим. Тўй жуда яхши ўтди. Уйин-қулғу билан бўлиб, дадам, ойим ва укаларимнинг алақачон уйга кетиб қолишганини ҳам сезмай қолибман. Уйдагилардан кечаёқ рухсат олиб қўйганим учун дугонам билан ётиб қолиб, эртасига эрталаб уйга келдим. Томошанинг каттаси энди бошланди. Дадам мени ҳовлида кўришлари билан: «Агар яна иккинчи марта шу дугонанг билан гаплашадиган, уйига борадиган бўлсанг, билиб қўй,

юрис т бўлади, деб сўз бериб, мактаниб қўйганман. Сен юрис т бўласан, тамом, вас-салом. Бошқаси билан менинг ишим йўқ», деб ўшқириб бердилар.

Тунлари ўйлаб ўйимга етолмайман. Баъзан тушларимда ўзимни бир гуруҳ ўқувчилар даврасида дарс ўтаётган ўқитувчи ҳолатида кўраман. Ўқувчиларимга меҳр билан дарс ўтармишман. Уйғониб кетиб бунинг туш эканлигини билгач, яна дадамнинг қистовлари остида кўзларимда ёш билан лицейга йўл оламан. Бир кун дадамга айтиб қолдим: «Дада, тушунинг ахир, лицейни тугатганим билан, минг марта олий ўқув юртида ўқиганим билан барибир мендан яхши юрис т чиқишига ишонмайман. Ахир қандай қилиб ўзим хохламаган, севмаган касбда ишлай оламан».

«Эй бола, бунча ношўқур бўлмасанг. Менам бир пайтлар сенга ўхшаб артист бўламан, деган хомхаёл билан юрардим. Дадам мажбурлаб мединститутга ўқишга киргизиб қўйганлар. Ҳўш, мана врач бўлиб кам бўлдимми? Айт, жавоб бер, кимдан кам яшайсанлар? Бас, етар сенинг ортиқча дийдиёларингга қулоқ тутушга фурсатим ҳам, тоқатим ҳам йўқ. Тезда дарсингга жўна», деб бу ҳақдаги гап-сўзларга чек қўйдилар. Ҳамон ўқитувчилик касбидан кўнглимни узолмайман. Қолаверса, лицейни тугатганимдан кейин дадам албатта таниш-билиш қилиб мени ҳуқуқшунослик институтига ўқишга киритиб қўядилар. Ана ўшанда мен шу касбни севган, ўқишга чин юракдан интилаётган бир тенгдошимнинг мақсадига зомин бўлмайманми? Буюк китоблар, Куръони Карим, Ҳадиси Шарифларда ота-онани ранжитиш гуноҳи азим дейилган. Мен эса лицейдаги ўқишни ташлаб кетгим келади. Лекин аниқ биламан агар шундай қиладиган бўлсам, дадам, албатта мендан юз ўзирадилар. Шуларни ўйласам кўрқиб кетаман. НИМА ҚИЛАЙ? Узингиз бир маслаҳат бering...

Акбарали. Тошкент

Азиз болалар, мана, сиз тенгдошингиз Акбаралининг дил изтиробларини, юрагидаги оғриқларини ўқидингиз. Акбаралига қандай йул курсатардингиз. Келинг, биз сизни мунозарага чорлаймиз.



Дустлар раҳмат, менинг қоламни уқиб фикр айтиб-сизлар. Энди сизларга, Юлдуз опамнинг қандай каратэчи булганлиги ҳақида гапириб бераман. Юлдуз опам табиатан нозик ва уятчан қиз булганлиги учун ҳамisha кинолардаги каратэчи қизларга ухшаб, узини ҳимоя қила биладиган эпчил ва паҳлавон қиз булишни орзу қилардилар. Назокат деган бир дугонаси билан бир-икки бор каратэ тугарагига бориб, баъзи ҳаракатларини урганишди. Гуруҳларида бошқа қиз бола йўқлиги ва вақт-бевақт Устоз келмай қолганлиги учун опам жисмоний машқлар билан уйда шуғулланиб, мен билан тенгма-тенг олишадиган булиб қолдилар. Лекин, ростини айтганда мен барибир устунроқман. Биринчидан, гавдам тикроқ, иккинчидан, орамиздаги гап, қиз бола барибир қиз бола-да. Энди узимни каратэга қатнамай кўйганим хусусида: мен аямларни жуда яхши кураман, лекин уларни бир одатлари бор-ки, мени сира буш кўймайдилар.

— Хумоюн, эрталаб, инглиз тилига бор.

— Хумоюн, пешинда расм тугаракка, кечқурун каратэга бор. Кун уззу-кун чопганим-чопган, ҳовлидаги урталаримга мазза, эрталабдан кечгача уйнаб юришади. Каратэда эса, Устоз роса югуртириб машқ қилдиради, бунинг устига болалар роса куп, катта-кичик болалар аралаш-қуралаш, бир-биримизнинг оғимизни босиб олмаслик, қоқилиб йиқилмаслик учун туп-туп булиб чопганимиз чопган. Ола-ту-

палонда ҳам фақат русча буйруқ берганлари учун, бир нарсани тушунмай қолиб Устоздан сурасам, «ти не слушаешь» деб, икки марта умбалоқ оттирадилар, эртаси кун яна адашиб бирор нарса сураб қолгудай булсам, «ти опять не слушаешь» деб, тўрт марта умбалоқ оттирадилар.



Ахири, умбалоқ отавериб, тоғ эчкиларини ҳам орқада қолдириб кетганим учун — каратэга бормай кўйдим.

Биласизларми, мен нимани хоҳлайман, баъзан ота-оналаримиз бизни ўз ихтиёри-мизга кўйса, қани шу ойда аралашмайлик-чи, Хумоюн неччи баҳо оларкан деса. Ҳадеб тергайвермасам. Иш буюришганда катта саналиб, бир нарса сурайдиган булсам — кичкина ҳисобланмасам. Буни айтганимнинг боиси: адам ва аям бирор ишни бажариш эсимдан чиқадиган булса, капкатта бола шундай қилгани уялмадингми дейишади, бирор нарса оберинг, дейдиган булсам, ёки уларнинг ишига муносабатимни билдирсам, кичкина бола ҳадеб нарса сурайвермайди ёки катталарнинг гапига аралашавермайди, дейишади.

Бу ёғи уқиш ҳам тугаб, энди мазза қилиб уйнайман десам, Шовотдан Эргаш тоғам келиб қолдилар. Эргаш тоғамни яхши кураман-у нукул мен билан ҳазиллашиб кулаверадилар. Мен уларни «отангни кўйи нечта тоға» дейман. Гап шундаки, тоғам ҳар гал келганларида қани, Хумоюнбой, таак, катта булиб қолиб

миз-у тез туй-пуй қилиб қолармиз, шунинг учун отамизнинг, энзисида нечта кўйи борлигини билиб кўйишимиз керак. Қани, отангни кўйи нечта? Мен қўрқа-писа (балки, бу сафар кутармас деган умид билан) саккизта дейман, тоғам, бир қоп олтин тоғандай кула-кула, қани келчи деб

бўйнимдан ушлаб, бир, икки... ана саккизта булди деб кутариб туширадилар. Мен бўйиндан ажралиб қолай деган азиз калламни ушлаб, йиғламоқдан бери булиб қичқираман. Отамнинг кўйи нечталлигини билмайман, мен Тошкентда, отам Моноқдабулсам, мен қайдан биламан. Э, унда «ошибка» қилибмиз-у, дейди жиддий ҳолатда тоғам. Бу йил отангни ҳар битта кўйи эгиздан тугди. Значить саккизни кўпайтирамиз иккига, қани математик ҳисобла-чи... Охирги сузларни эшитишим билан қочиб қолардим. Агар, ун олти марта кутариб туширадиган булсалар, ухху, билмадим ун жонимдан бир жоним ҳам қолмас. Тоғамнинг бу сафарги келишида, Моноққа телефон қилиб отамнинг кўйи нечта булганлигини билиб олдим. Вой биласизларми, нечта булибди: — ун битта.

Отамлар яқинда туй беришувди, қариндош-уруғ туёна беришиб, кўйлар кўпайиб қолибди. Отам яна бир гапни айтиб қолдилар. сени келишинга биронта ҳам кўй қолмайди деб, нега десам ёз бошланди, туйчилик, биз ҳам кўйларни бир-бир тарқатиб чиқамиз. Ҳайрон қолдим, кўй бечораларга роса қийин экан, уртада сарсон булиб.

Лекин Эргаш тоғам бу сафар узларини жуда жиддий тутдилар. Бошқача кийиниб,



бўйинбоғ тақиб, дипломат ҳам кутариб олибдилар. Менга жиддий гапириб қолдилар.

— Кел, Хумоюнбой, яхши-си капсратив очамиз, номини «отангни кўйи нечта» деб кўямиз, йўқ, яхшиси АО, деб атаймиз.

— Нимага энди, АО.. — дейман Ҳайрон булиб.

— АО дегани — акционерная общества дегани, билдинг. Ҳар битта пайчига битта кўйдан дегани. Бўйи усмай қолган уртоқларингни бошлаб келаверсан, «отасининг кўйи нечта» деб кутариб — бўйларини устириб юбораман. Агар бойиб кетсак, менга Нексия, сенга уч гилдиракли велосипед оламиз.

— Нега энди менга, уч гилдиракли велосипет олиб берасиз, мени бўйим усиб кетган, тиззаларим рулга тегиб қолади-ю?

— Ҳамма нарса кичик имкониятдан бошланади. Ҳатто бизнес ҳам. Шунинг учун жура, бир-икки йил қийинчиликларга чидаб, оёғинг тегса ҳам уч гилдиракли велик

ҳайдашинга тугри келади.

Мен ҳамма нарсани уйлаб, режалаб утирарканман, нариги хонадан тоғамнинг одатдагидай аямга, опа, шу углингиз Тошкентда усган болага ухшамайди. Бир ҳазиллашиш, ёлгон гап деган нарсани тушунмайди. Ҳамма нарсага ишонаверди, деган гапи ва қулгани эшитилади.

Яна тоғамдан жаҳлим чиқадди, энди ҳеч қачон шуларнинг гапига ишонмайман, деб аҳд қиламан.

Журалар, мени ҳозир кўп гапириб ўтиришга вақтим йўқ, негаки яқинда дам олиш учун отамларни кўйга — Шовотга учиб кетяпман, август ойининг охирида қайтаман. Отамнинг дала юмушларига қарашаман, молларини суғораман, ут ураман, жияним Умрбек билан чумиламан, қариндош-уруғларни кўйга меҳмонга бораман. Мазза қилиб дам олам. Ҳозирча шу. Гудбай, май френда.

Хумоюнбек АБАЗОВ.
Тошкент шахри.



КЕЛАЖАККА

КАРАТИЛГАН ДАСТУР

Утган ҳафта Тошкентда олий мактаб ходимларининг кенгаши булди. Маълумки, мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар самарадорлиги кўп жиҳатдан халқ хужалигининг турли тармоқларида ишлайдиган мутахассис кадрлар тайёрлаш даражасига боғлиқ. Шу боис кенгаш иштирокчилари республикада таълим тизимини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари хусусида фикрлашдилар.

СПОРТЧИ РОБОТ

«Тошиба» фирмасида волейбол уйнай олувчи робот ясалди. Роботдаги икки камера секундига

олтмишга катни илғай қибини афғинийдиган бу узатилган то илиб оляп-нг устига оғ-буйруқларга нади. Рангажрата олади.



ЖАМШИДНИ ТАНИЙСИЗМИ?

У Қарши шаҳридаги ўзбек-турк «Давлат Анадо-

лу» ҳамкорлик лицейининг 10-синфида ўқийди. Жамшид Амиркулов ўзбек, турк, инглиз тилларида шеър ёзади. У ҳаётда ҳамма нарсага қизиқади. Вақтини кўпчиликка ухшаб бекорга утказмайди. Кўп ўқийди. Шу боис фикр доираси, мушоҳадаси теран ва кенг.

ТУРНИР ЯҚУНЛАНДИ

Бир ҳафта давомида пойтахтимиздаги «Динамо» теннис мажмуида жаҳоннинг 25 мамлакатидан келган кучли теннисчи аёллар Тошкентда иккинчи халқаро Челленжер турнирининг голиблиги учун курашдилар. Биринчи урин Мексикадан келган теннисчи Анжелика Гавалдонга насиб этди.

Мана, узоқ давом этган укув йили тугаб, ёзги таътилга чикдик. Энди 3 ою яна 1 кун (1 сентябрь) маза қилиб дам оламиз. Мақтаниш эмасу мактабда ҳамма соҳада энг илгор укувчи булганим учун директоримиз «мундайроқ» укувчиларга ёз таътилини қандай утказиш кераклигини тавсия қилишимни илтимос қилдилар. Уларнинг фикрича, улар мендайларнинг тавсияларига амал қилишса, узлари ҳам ҳақиқатда менга ухшаб қолармиш. Ёз таътилини қандай утказишни тавсия қилмай, утган йилги ёз таътилини узим қандай утказганимни айтиб берсам-чи? Директоримизга бу фикр жуда маъқул тушди.

Шундай қилиб, мен мактабдаги болалар йиғилган залга кирдим. Зал лиқ тула. Мен кириб боришим билан ҳамма болалар урниларидан туриб мени олқишлай бошлади. Кейин яхшилаб қарасам, улар орқамдан келаётган директоримизни олқишлашган эканлар. Мен саҳнага чиқиб, микрофон олдига бориб, ҳикоямни бошладим:

— Дустлар, хабарингиз бор, утган йили англиз тили бўйича утказилган олимпиадада шаҳарда биринчи уринни эгаллаган эдим. Шундан кейин ёз таътилига чиққач, уз тил қобилиятимни устириш учун Англияга саёхат қилишга аҳд қилдим. Узи бу олдинроқ режамда бор эди. Шунинг учун «Ширибом» билан «Кока Кола» олиш урнига бор пулимни саёхатга йигаётган эдим. Ёзга келиб қарасам, йиққан пулим саёхатга етиб, яна озроги ортиб ҳам қолар экан. Пулларни фунт-стерлинга айлантирдим-у отчопар бозорига бориб, сафар учун керакли ашёлар, кийим-кечак, сувенирлар сотиб олдим. Шундан



ёки бир хаёлпарастнинг ҳикояси

сўнг аэропортга бориб белига «Uzbekistan firways» деб ёзилган самолётга утирдим. Самолётга утирибман-у ухлаб қолибман. Уйғониб қарасам, «Heatrow» (Хитров) тайёрагоҳига келиб қолибман. Аэропортдан чиқиб, таксига утириб «Метропол» меҳмонхонасига йул олдим. Меҳмонхона жуда кенг, чиройли экан. Ме-



нг жаноб, ҳали бу хона эмас, лифт, холос, деди. Мен ҳам сир бой бермай, лифтни салпал лифтга ухшатиб кўйиш керак-да, бу кулги хонасининг узи-ку, дедим.

Шундай қилиб, биринчи кун меҳмонхонада дам олдим. Эртаси куни шаҳар айланишга чиқдим. Бу Лондон деганлари жуда катта шаҳар экан. У ерда яшайдиган одамлар-чи! Бизнинг Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Фарғона шаҳарларида яшайдиган одамларнинг сонини қўшиб чиқсангиз ҳам унга етмайди. Бунинг устига ҳаммаси жуда жуда ақлли экан. Нилуфар жиянимдай эндигина 5 ёшга киргани ҳам англиз тилини мендан яхши билади-ей!


Лондонда сайр қиладиган жойлар шунчалик кўпки, қарга боришни билмай бошим қотиб қолди. Охири бир «шумлик» уйладим. Кучада кетаётган тахминан узим тенги бир болага «бехосдан» урилиб кетдим. Мен унга англизчалаб «кечирасиз» дедим. У эса мен-

дан кечирим суради. Шундай қилиб у билан танишиб олдим. Унинг оти Бобби Стивенс экан. «Сиз саёхатчи булсангиз керак-а?» деди у. У Ўзбекистон ҳақида салпал нарса эшитган экан. Бобби менга бутун шаҳарни курсатди. Таксига тушиб «Big Ben» ни ҳам бориб кўрдик. Кеч тушиб қолган эди. Бобби мени уйига таклиф этди. Англия оиласи билан танишиш менга жуда ҳам қизиқ эди. Аммо уз обруйимни сақлаб, меҳмонга боришни бошқа кунга қолдирдим. Боббининг таклифи билан эртаси куни уларникига борадиган булдим. Урганган кўнгил уртанса қўймас, деганларидек, эртаси куни алламаҳалгача ухлабман. Уйқичилитим панд берай деди, Бобби билан келишилган вақтга аранг улгурдим. Уларнинг уйи ихчамроқ, лекин шинам ва чиройли экан. Кираверишда икки ёни боғ. Уй зинасига «Хуш келибсиз» деб ёзилган мато осиб қўйилган (обруни қаранг). Оилада турт киши — Бобби, дадаси, аяси, Чарлз исмли укаси яшашар экан. Боббининг дадаси билан айниқса чиқишиб қолдик. Ўзбекистон ҳақида анча нарсани гапириб бердим. Мен гапирган сайин уларнинг Ўзбекистонга булган қизиқиши орта борди. Эртаси куни Билл амаки билан Бобби мени уз мактабларига олиб боришди. Мактаб «Elton» деб номланар экан. У ерда ҳам Ўзбекистон ҳақида гапирдим. Анг-

лиянинг бу мактабдагилар мен билан бир буюк қаҳрамон билан хайрлашгандай хайрлашдилар, адресимни сураган болаларга адрес ёзиб бердим. Уларнинг бир қанчаси билан хат ҳам ёзишиб турамыз.

Англияликларнинг футболга ишқибозлигига гувоҳ булмаган одам Англияни кўрмадим, деб ҳисобласа ҳам булади. Бир куни Бобби мени футбол уйинига олиб тушди. «Пахтакор»нинг уйинига тез-тез бориб турардим, аммо англизларнинг уйини бошқача, жуда тез. Тупни кузатаман деб бошим сал оғриб қолди. Каллам қийшайиб қолмадикан деб анчагача ойнага қарагани ҳам кўриб юрдим. Вой, уйин чоғи қандай бақиримиз, қўяверасиз. Аввалига атрофидегиларга қўшилиб роса англизчалаб қичқирдим, кейин бор-э, деб, ўзбекчасига бақиримизга тушдим. Уйиндан кейин қарасам, овозим сал хирри булиб қолибди. Сиз ҳам сезаётган булсангиз керак. Бобби билан яна куп қизиқарли воқеаларнинг гувоҳи булдик. Ҳамир учидан патир деб айтиб берганларим сизга ёққан булса, бир амаллаб менга етказарсиз, шундан кейин қолган кунларим қандай утганини яна ҳикоя қилиб берарман. Қизиқарли кечган таътил уз очиб юмгунча утиб кетаркан. Менинг учун ҳам шундай булди. Ҳикоямни ҳозирча шу ерда тухтата қолай. Тагин бир неча лақабим устига шум болалар «эзма» деган лақабни ҳам илишмасин-а.

Улуғбек АЪЗАМОВ, Тошкент ўғил болалар ўзбек-турк лицейи ўқувчиси.



ни эътибор билан кутиб олишди-ю лекин бир келишмовчилик ҳам чиқиб қолди... Қарасам, хизматчи йигит мени бир хонага бошлади. Хонаси ниҳоятда чиройли, ойналику, жуда тор-да! Хизматкорга норозилигимни билдирдим. «Агар мени қишлоқдан келган, ҳеч нарсани тушунмайди деб уйлсангиз, адашасиз! Бу хонангизда турмайман!» У йигит негадир қизариб, шошма-

Музқаймоқнинг тарихи ва таърифи

Ёзнинг жазирама кунлари кишига ором берадиган, айниқса, еш болалар учун роҳатижон, шифобахш неъмат — музқаймоқдир. Музқаймоқ жуда қадимда, иқлими иссиқ Шарқ мамлакатларида ижод этилган булиб, уни Урта Осиё халқлари «яхқаймоқ» деб аташган. Эрон ва Ҳиндистонни забт қилган Искандар Зулқарнайн аскарлари ушбу мамлакатларнинг аҳолиси иссиқ кунларда аллақандай «яхлатилган сутни» шимиб юрганликларини куриб ҳайратда қоладилар. Маълум булишича, сут ёки қаймоққа асал, тухум, ваниль ва жавҳарилиму қўшиб музлатилар ва махсус қўзаларда сақланар экан. Гоҳо мева шарбатларига тоғлардан олиб келинган тоза қор ва қирилган музни қўшиб ҳам тайерлаганлар.

Араблар шу усулда тайерланган яхна таомни ал-желати деб атаганлар. Музқаймоқ рецепти ва технологиясини македонияликлар Европага олиб келган булсалар ҳам у кенг эътибор қозонмади. Фақат XIII асрда италиялик сайёх МАРКО ПОЛО Шарқ мамлакатларига қилган сафаридан кейингина музқаймоқни гарбий мамлакатларда тайерлаш авж олиб кетди. Италиялик шакар-

паз Проколио Кольтелли 1630 йилда Парижга келиб ресторанлардан бирида музқаймоқ тайерлашни жорий қилганлиги тўғрисида маълумотлар бор. Шундан қарийб бир ярим аср утгач яна бир италиялик қандолатчи Нью-Йоркда музқаймоқ тайерлашни жорий қилган. Орадан 230 йил утгач — 1860 йилда бошқа бир италиялик Лондонда музқаймоқхона очган. Россияда тайерлашни — XIX асрнинг урталарида мустақил равишда ижод этилган деган далиллар бор. Чунончи россиялик савдогар Иван Излеров 1845 йил музқаймоқнинг янги рецепти ва технологиясини кашф қилганлиги учун патент ва мукофот олганлиги солномаларда қайд этилган.

Ўзбекистон аҳолиси ҳам музқаймоқ тайерлашнинг турли хонаки усулларини билган, бироқ таомининосликдан махсус китоблар ёзилмаганлиги сабабли унинг рецепти ва технологиялари унут булиб кетган. Фақат унинг «Роҳатижон» деб аталувчи энг содда хили сақланиб қолган. Унисини ҳам ёлғиз Самарқанд ва Бухоро каби қадимий шаҳарларнинг аҳолиси билади, холос. Бу ҳақда кейинроқ тухталамиз.



<p>ТОНГ ЮЛДУЗИ Муассислар: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МАТБУОТ КҮМИТАСИ</p>	<p>Бош муҳаррир Умида АБДУАЗИМОВА Таҳрир ҳайъати: Муртазо СУЛТОНОВ, Жаббор РАЗЗОКОВ, Гулнора ЙҮЛДОШЕВА, Шермат ЁРМАТОВ, Хотам АБДУРАИМОВ, Муқимжон ҚИРФИЗБОВ, Дадаҳон ЁҚУБОВ, Исфандиёр ЛАТИПОВ, Юсуф ШОДИМЕТОВ, Феруза ОДИЛОВА.</p>	<p>IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босялди. Ҳажми 1 босма габоқ. Бузурғима — Г. 0375. 10960 нусхада босялди. Қотоз бичими — А-3. Босялган топшириқ вақти 19.00. Топширилди — 18.30. Навбарчи муҳаррир Х.Рустамова.</p> <ul style="list-style-type: none"> • Руйхатлан утин тартиби № 000137 • Манзилимиз: 700083, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кучаси, 32-уй • Нашр курсаткичи: № 64563 • Телефон: 33-44-25
---	--	---